

### Хамкорлик



## САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, АМАЛИЙ КЕЛИШУВЛАР ҲАФТАСИ

Аввал хабар берганимиздек, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация Хитой Халқ Республикасида бўлиб турибди. Вакилларимиз Zhejiang провинциясидаги бир қатор йирик компаниялар фаолияти билан танишиб, самарали музокаралар ўтказди.

Хусусан, Хитойнинг чинни маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган машҳур "China top porcelain exhibition hall" корхонасида ўтган музокаралар ҳар икки томонда қизиқиш уйғотди. Вакилларимиз корхонанинг ишлаб чиқариш линияси фаолияти ва нобҳ чинни маҳсулотлари кўргазмаси билан танишишди.

Корхонада чинни маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қадимий Хитой кулчулиги анъаналарини ўзида мужжасам этган нобҳ усул сақланиб қолган. Маҳсулотлар, асосан, қўл меҳнати билан яратилади ва нафақат ички, балки халқаро бозорда ҳам гоҳтада харидорғир ҳисобланади.

Шунингдек, "Anta" ва "Fila" брендлари остида спорт кийимлари тикиладиган йирик "Team China" корхонаси фаолияти билан ҳам танишилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Маълумки, аҳолининг юқори сифатли дори-дармонга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш фармацевтика саноатининг қай даражада ривожлангани билан боғлиқ. Юртимизда бу соҳада ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.

## Марказий Осиёда Ягона, тенгсиз

### Фармацевтика

Хусусан, вилоятимизнинг Зангиота туманида Марказий Осиёда катта аҳамиятга эга "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери барпо этилмоқда.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг маълум қилишича, қарийб 130 гектар майдонда ташкил этилаётган мазкур кластер юртимиздаги илк "илмий шаҳарча" бўлиб, у бутун тармоқ учун мустаҳкам пойдевор яратди.

2

## Фестиваль



## "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!"

Нурафшон шаҳрининг марказий ўйингоҳида 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан анъанавий фестиваль ташкил этилди.

Унда вилоятнинг барча туман-шаҳарларидан 50 минг нафарга яқин ёшлар иштирок этди.

Фестиваль бошланишида Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарида бўлиб турган Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев онлайн тарзда барча йигит-қизларни Ёшлар куни билан табриклади.

4



### Нуқтаи назар

## Маънавият – энг яхши мерос

Маънавият ва маърифат масаласи бу инсоннинг ўзлиги, ўтмиши, бугуни ва эртаси. Маънавият – қалб нажоткори. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир халқ, миллатнинг энг катта бойлиги унинг маданияти, ахлоқи, маънавияти, миллий камолот даражаси билан белгиланади.



Маънавият шундай қудратли кучдирки, у миллат мағи бўлиб, халқимизни, сизу бизни улғувор мақсадлар сари етаклайди. Маънавият соҳасида фаолият юритаётганимга унча кўп вақт бўлмади. Лекин англадимки, маънавият жуда кенг тушунча бўлиб, устозлар айтганидек, инсонни руҳан поклашиш, қалбни улғайтишга чорлайди. Маънавият ва маърифат барча замонларда тенгсиз қудрат, бахт, саодат, тинчлик, бунёдкорлик, ҳамжихатлик, одамийлик мезони, қалбни поклатирувчи неъмат бўлиб келган. Инсонларни ҳамиша уйғонишга, маърифатга, эзгуликка, тараққиётга, оламни обод қилишга чорлаган.

3

### 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

## Бизга ёзиб, хайратлантиринг! ...Қолгани – таҳририят гарданида



Замон ўзгаряпти, интернет ривожланган сари босма нашрлар урфдан қоладими, деган савол кўпчиликини қийнапти. Кимдир босма ОАВнинг умри тугади деса, яна кимдир келажакда одамлар барибир газета-журналларга қайтишади, деган мулоҳазалар билдиради...

Ана шундай томонларнинг қарама-қаршилиги остида қолган савол-жавоблар давом этаётган бир пайтда 40 дан зиёд босма нашрлар фаолият олиб бораётган вилоятимизда "Yoshlar kundaligi" деган янги журнал сафга кўшилди. Унинг илк сонлари билан танишиб, чин дилдан қилинган меҳнат, албатта, самарасини беради, деган гапнинг исботини кўрдик. "Назар", "Дунё ва биз", "Ҳокимият анатомияси", "Мулоҳаза", "Қизимга мактуб", "Бахсларни қиздирган фикрлар", "Тарих ва талқин", "Машҳур аёллар",

"Танқид", "Ҳикоя", "Тадқиқот", "Санъат" рунклариде берилётган мақолалар беихтиёр ўқувчини ўзига ошно қилади. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида журнал бош муҳаррири Отабек Бакировни сўхбатга тортидик. – Отабек, авваламбор "Yoshlar kundaligi" журналі ҳаммамизга муборак бўлсин. Илк сонлардаги хиссиётлар ва ҳаяжонлар қандай бўлди? – "Ҳамкасб ютуғидан қувонмоқ ҳам бахт", деб ёзган эди халқ шоири Омон Матжон. Отаҳон газетанинг навқирон журналимизга хайрихоҳлик билдирганидан хурсандимиз.

2





"Тошкент ҳақиқати" йўқлови

Одатда, инсон умр йўлининг улкан довонидан туриб, ортга назар солар экан, эл-юрт манфаати йўлида қилинган эзгу ва хайрли ишлар сарҳисобига эҳтиёж сезади. Шундай

инсонлар борки, бундай кезларда ибрат ва ҳикмат чироғи ёритиб турган умр чорраҳаларини кўнгил сурури, виждон хотиржамлиги ва ички бир шукроналик билан эслайди...

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг билим-донии Алишер Ғаппоров мурод-мақсадига етган инсонлардан бири. У ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб, юртининг фидойи, ардоқли оқсоқоли мақомига эришди.

Унинг босиб ўтган мазмуни ва ибратли умр йўли ҳақида "Ўтган кунлар шукронаси" номли китоб ёзилган. Зеро, ўз эл-юрти учун меҳнат қилган кишиларнинг ҳаёти доимо одамлар назарида бўлади. Чунки, бундай инсонларнинг ҳар бир кунини, босган қадами, бошидан ўтказган даври, умуман барча кўрган-кечирганлари ўз эли, халқи билан боғлиқликда бўладиган жараёндир.

Ҳақиқатан ҳам А. Ғаппоровнинг босиб ўтган йўлига назар ташланса, унинг элига, халқига, замондошларига, келажак авлодга ўрнатилган маъмули ва ибратли эканлиги намоён бўлади.

Алишер Ғаппоров 1949 йил 26 июнда Зангиота туманидаги ҳозирги Туркистон қишлоғида туғилган. 1969 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникуми, сўнгра Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) агрономлик мутахассислиги бўйича тугатган.

Меҳнат фаолиятини 1969 йили Зангиота туманидаги "Бўзсув" совхозиде агроном-энт о м о л о г с и ф а т и д а б о ш л а г а н . Кейинчалик шу совхозда бригада бошлиғи, бўлим бошқарувчиси ва бош агроном вазифаларида меҳнат қилган. 1982-1985 йилларда Зангиота туманидаги "Москва"

Ўтган кунлар шукронаси

(ҳозирги "Туркистон") совхозининг директори, 1985-1991 йилларда Зангиота тумани агрономлик бирлашмаси раиси ҳамда туман ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, 1991-1995 йилларда "Бўзсув" жамоа хўжалиги раиси, 1995-2000 йилларда "Бўзсув" деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси, 2000-2007 йилларда эса Юқори Чирчиқ тумани ҳокими лавозимларида ишлаган.

Унинг фаолиятига тўхталар эканмиз, айниқса, Зангиота ва Юқори Чирчиқ туманларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, инфратузилмаларининг янгилаши, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиши, ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, таълим-тарбия, маданият-маънавиятни юксалтириш йўлидаги хизматлари катта эканини таъкидлаш жоиз. У ўзи раҳбарлик қилган "Бўзсув" ва "Туркистон" жамоа хўжалиқларини фақат туман ва вилоятдагина эмас, хатто республика миқёсидаги илғор хўжалиқлар қаторига олиб чиқди. Худуд аҳолисининг тинч ва осойишта меҳнат қилиб, фаровон турмуш кечириши учун барча зарур шароитларни яратишга эришди.

Айниқса, Зангиота туманида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳосилини кўпайтириш борасида кўп янгиликлар киритди. Унинг бошчилигида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида туман илғорлар сафидан ўрин олиб, ташаббус ва тажрибалари республика миқёсида оммалаштириб борилди.

Алишер Ғаппоровнинг ташкилотчилик қобилияти, узқони олдиндан кўра билиши, талабчанлиги ва омилкорлиги Юқори Чирчиқ тумани ҳокими бўлган даврда янада яққол намоён бўлди. У саккиз йил давомида биринчи раҳбар лавозимида туманнинг равнақи ва келажаги учун бор кучини, билим ва салоҳиятини аямади, маҳорати ва тажрибасини ишга солди. Туманнинг янги ижтимоий инфратузилмасини яратиб, катта ижобий ўзгаришлар қилишга эришди. Шунингдек, туманда деҳқончиликнинг ўзига хос мактабини яратди. Айниқса, ғалла ва пахта етиштириш бўйича юқори ҳосилдорликка эришиб, қисқа вақт ичида бу туманни ҳам республикадаги илғор туманлар қатори-



шиланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Алишер Ғаппоров қаерда, қайси лавозимда ишлаганини, ўзига юклатилган вазифаларни ортиги билан удалади. У республикамизда агрономлик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва ҳажмини ошириш, соҳага янги технологияларни олиб кириш, илғор тажрибаларнинг жорий этилишига ҳам муносиб ҳисса қўшишга эришди. Йиллар давомида кўплаб шогирдлар, ўз соҳасининг мутахассисларини тайёрлади. Унинг самарали меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фахрий ёрлиғи", "Шуҳрат" медали, бир қатор кўрақ нишонлари билан мукофотланди.

Алишер Ғаппоров ҳавас қилса арзигулик катта оила бошлиғи ҳамдир. Рафиқаси Дилбар опа билан қарийб 50 йилдан бери ҳамжихатликда умр кечиришмоқда. Улар ҳозирда 6 нафар фарзанд, 18 нафар неварою эваралар ардоғида, ҳузур-ҳаловат кўришмоқда. Барча фарзандлари олий маълумотли мутахассислар, набиралар ҳам улардан ўрнатилган бўлади.

Шу кунларда Алишер Ғаппоров ўзининг қутлуғ 75 ёшини қарши оляпти. Лекин у кишини ҳали ҳам ёшлик шижоати, ғайрати тарк этмаган. Зеро, умри ҳамisha меҳнат билан ўтган инсоннинг юрағида ҳамisha яхшилик яшайди, ниятлари эзгу, ўй-фикрлари тегин бўлади.

Алишер Ғаппоров бажарган ишлари, ташкилотчилик, бошқарувчилик соҳияти, шунингдек, ёшларга раҳнамолиги билан эл озғига тушди. У билан бирга ишлаган устозлар, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт ходимлари, шогирдлари у кишининг ҳаёти ва фаолияти ёшларга ибрат мактаби эканлигини ҳамisha чуқур эҳтиром билан таъкидлашади.

Фурсатдан фойдаланиб, Алишер Ғаппоровдан бундан бундан ҳам элнинг иззат-ҳурматида бўлиб, яна кўп йиллар фарзанд ва набираларининг бахту камоллини кўриб юришликни тилаб қоламиз.

Абдулла РУСТАМОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Илгари бошқа жабҳада фаолият юритганимиз бўис, маънавият соҳасини ўзаро ҳурмат, касбга садоқат, жамоада одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, деган тушунчада деб билганман. Соҳа ичига кирганимдан сўнг давлатимиз раҳбари айтганларидек: "Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, жони, руҳи маънавият" экан-

барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт, иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият", деган сўзларидан таъсирландим. Дарҳақиқат, халқимиз ўзининг миллий қадриятлари,

ўқиб эканлигига ургу берамиз. Баъзан бизга бугун ахборот даврида яшаймиз, тезкор замонда китобдан кўра ижтимоий тармоқлар орқали маълумотларни тезроқ олинаётгани, ёшларни ижтимоий тармоқлар таъсиридан қандай химоя қилиш керак, деган саволлар берилади. Яқинда бир мақолада ўқиб қолдим. "Глобаллашув жараёналари

турли йўллар билан жамият ҳаёти, ёшлар қалбига кириб келишга ҳаракат қилмоқда. Бундай вазиятда ҳушёр ва огоҳ бўлиб, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, мустақкамлаш ҳар қандай ахлоқсизлик ва беҳаёлик ғояларининг тарқалишига қарши курашиш барчамизнинг бурчимиздир", дейилади унда.

лишга уринаётган баъзи кимсаларнинг ҳатти-ҳаракатини кўриб, ўйлаб қолади киши. Биз хоҳлашимизми, йўқми ҳар бир ишнинг яхши ва ёмон томони бўлади. Масалан, бестабсиз. Шифокор тавсияси билан қабул қилаётган дори орган жойингизга фойда қилса, танангизнинг қайсидир жойига салбий таъсир кўрсатади. Шу каби жамиятнинг ахборотлаштиришининг ҳам ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Глобаллашув, яъни, ахборот асри нафақат ёшларни, балки катта авлод вакиллари ҳам ўз "домига" тортаётган экан, интернет, турли ижтимоий тармоқлар келажак авлоднинг онгини, тафаккурини бузмасдан олдин, аввало биз – катта авлод вакиллари интернетдан фойдаланиш маданиятини ёшлар орасида ҳам шакллантиришимиз жуда муҳим. Чунки жуда бўлмаганда улар узатилаётган ахборотларнинг яхши ёмонлигини фарқлай билиши керак. Ана шундангина улар турли ёт ғоялар таъсирига кўр-кўрона тушиб қолишларининг олди олинади.

Биз ўзининг азалий қадриятларига таяниб, замон билан ҳамнафас яшаётган юксак маънавиятли халқимиз. Ахир маънавият ва маърифат барча замонларда ҳам тинчлик, бунёдкорлик, бахт-саодатга элтувчи, қалбни юксалтирувчи неъмат бўлиб келган. Бир сўз билан айтганда, бизнинг миллий ғоямиз инсоний қадриятлар, юксак маънавият асосига қурилган.

Маънавият – энг яхши мерос

лигини янада теранроқ англаб етдим. Ўйлаб кўрилса, маънавий асосларсиз, маънавий қадриятларсиз, миллий руҳсиз ҳеч қачон юксак мақсадларга эришиб бўлмас экан. Шунини мамнуният билан айтиш керакки, бугун катта мақсадлар сари йўлга чиққан халқимизнинг йўлини маънавият маёғи ёритиб бормоқда. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, айна пайтда юртимизда аниқ мақсадга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

2021 йил Президентимиз раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида иштирок этганимда, давлат раҳбарининг: "Биз янги Ўзбекистонни

маданияти, ривожланган юксак маънавияти билан дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшиб келаяётгани учун ҳам эътибор ва эътирофда. Ҳаммамиз ҳам тарихни ўқиганмиз. Маънавият ва маърифат машъалини баланд кўтарган буюк алломаларнинг авлодларимиз. Ўзининг бой маънавий мероси билан дунёга зиё таратган Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар халқимиз маънавиятининг юксалишига замин яратган. Ана шундан ҳам билса бўладики, миллат – юксак маънавият, комил ахлоқ билан барҳаёт.

Биз иш юзасидан тadbирлар, учрашувларда бўлганимизда ёшларга миллат таълимларининг ҳамкорлигини асосчилари бўлган улуғларимиз, мутафаккирларимиз ҳақида, уларнинг бой меросларини ўрганиш сува ҳаводек зарурлиги ҳақида гапирар эканмиз, тарбиянинг энг аввали ва афзали китоб



инсоният учун бекиёс янги имкониятлар билан бирга қўйилмаган муаммоларни, шу жумладан, маънавий бузуқликни ҳам ёймоқда. Миллий ўзлик ва маънавий қадрият илдизларини кемирадиган кўртлар тобора кўпайиб бормоқда. Бу хавф ва таҳдидлар

Бугун юртимиздаги ошқоралик, сўз эркинлиги ва бошқа ҳолатларни суиистезмол қилиб, аждодлари қолдирган юксак маънавиятга белисанд қарайдиганларнинг, оммавий маданиятни тарғиб қилаётган жирканч ғоялари билан ёшлар руҳиятига таъсир қи-

Эзгулик



Китоблар карвони манзилга етди

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Ёшлар ойлиги доирасида Бўка туманининг "Дўстлик" маҳалласи томонидан йўл олган китоблар карвони ўз манзилга етди. Маҳалла биносидаги кутубхона жавонларидан ёшлар учун 1000 дан зиёд китоблар ўрин олди.

Эълон

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2023 йил 31 октябрда Шахбазова Арапат Худайбергеновна номига берилган 001549 (лицензия рақами L 70662035) рақамли Адвокатлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари тахририяти Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устоз Эркин АЪЗАМГА волидаи муҳтарамаси  
РУХСАТОЙ аянинг  
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

